

---

## Совуқ об-ҳаволи кунларда маҳаллаларда эзгу амаллар бардавом

Саховат-халқимизнинг улуғвор қадриятларидан биридир.

Айни совуқ ва қировли кунларда Қува тумани маҳаллаларида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўзига хос ёрдам қўлини чўзишда фуқаролар йиғинлари масъуллари ҳамда саховатпеша кишиларнинг ташаббуслари ҳам кенг қулоч ёзган.

Тумандаги Қорақум маҳалла фуқаролар йиғини бешлиги ташаббуси ҳамда ҳомийлар кўмагида амалга оширилаётган ана шундай меҳр-мурувватга йўғрилган эзгу тадбирлар ҳам кўплаб хонадон аъзоларини кўнглини кўтармоқда.

Эзгу ташаббус доирасида маҳалладаги 60 та кам таъминланган, якка-ёлғиз, ногиронлиги бўлган, бетоб ва эҳтиёжманд хонадонларга бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари беминнат улашилди.

Таъкидланганидек, манзилли кўмакларни ўз эгаларига етказишда маҳалла масъуллари ташаббускор бўлишмоқда.

Бундай хайрли тадбирлар тумандаги барча маҳаллаларда уюшқоқлик билан давом этмоқда.

2023-01-17 12:36:33